




**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БОЁВУТ ТУМАНИ
40-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ
БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ
КУЛТАШЕВА ШАХНОЗАНИНГ
МАТЕМАТИКА ФАНИДАН
НОАНЪАНАВИЙ**

ДАРС ИШЛАНМАСИ



2011 йил.

Ҳисоблаймиз-қувнаймиз

(1-синф математикадан ноананавий очик дарс.)

Мавзу: 10 сони ичида кушиш ва айириш. Мустахкамлаш.

Мақсад: а) ўқувчиларнинг қўшиш ва айириш юзасидан олган билимларини мустахкамлаш, мисол ва масалалар ечиш малакасини ошириш.

б) иқтисодий ва экологик тарбия бериш. Уларда дўстлик, бир-бирига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш;

в) ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш.

Вазифа: Ўқувчиларда қизиқиш уйғотиш, уларга мавзу асосида билим, кўникма, малака шакллантириш ва кенгайтириш.

Ўқув жараёнида амалга ошириладиган технологиялар:

Услуб: Оғзаки ва ёзма баён қилиш.

Шакл: Сухбат, Мунозара, амалий машғулот, кичик гуруҳ ва жамоа.

Восита: Тарқатма материаллар, тест, маълумот, хабар, дарслик.

Усул: Тайёр тарқатма материаллар. Кластер.

Назорат: Оғзаки назорат. Ўз-ўзини бошқариш.

Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 баллик системада.

Кутилаётган натижалар.

Ўқитувчи: Мавзунини қисқа вақт ичида ўқувчилар томонидан ўзлаштиришга эришиш, фаолликни оширади, қизиқиш ортади. Ўқувчиларни баҳолайди. Мақсадига эришади.

Ўқувчи: Янги билимларни эгаллайди. Яқка ҳолда ва гуруҳ билан ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади. Эслаб қолиш қобилияти кучаяди.

Келгуси режалар

Ўқитувчи: Янги пед технологияларни ўзлаштириш, дарсга татбиқ этиш, такомиллаштириш. Мавзунини ҳаётини боғлаш. Матн билан мустақил иш ўрганади.

Дарсинг бориши.

Дарс ўз шиори билан бошланади:

Ёрқин аланга

Биз содиқмиз ватанга!

І. а) ташкилий қисм ўтказилиб, навбатчи ахбороти тингланади.

б) ўқувчилар ўзларини таништирадилар:

Биз баркамол ўктам авлодмиз,

Келажаги буюк давлатмиз



Ўқитувчи: Қани болажонлар, дарсимизни бошлаймиз. Бугунги дарсимиз ҳар доимгидан ўзгача. Дарсимизга «Математика» китобини таклиф қилганман (Математика китоби кириб келади. Қўлида макет китоби бўлади.)



Математика китоби: -Салом болажонлар.

Бугунги дарсни **Зукколар беллашуви** бўлишини эшитиб келавердим.

Ҳар хил саволар бераман:

-Она Ватанимиз қайер?

-Ўзбекистон.

-Қайси вилоятда яшаймиз?

-Сирдарё

«Математика» китоби болаларни рағбатлантириб кўрсатилган жойга бориб ўтиради.

Ўқитувчи:

-Жуда яхши, энди 3 гуруҳга бўлиниб ўзимизга ном танлаймиз.

1.гуруҳ «Тинчлик».

2.гуруҳ «Истиклол».

3.гуруҳ «Мустаккиллик».

II дарс режаси баён қилинади.

Уй вазифалари текширилиб, дафтарлар алмаштирилади.

III. Дарслик билан ишлаш.

Гуруҳлар беллашуви.

1-босқич.

1-мисол.

2 та камайтир			2 та камайтир		
8	5	9	4	10	6

2 та камайтир

7

3

2

Жадваллар хаттахтага осилади ва ўқувчилар ишлаб боради.

2-босқич

2-мисол. Амалларни бажаринг

$$3+1+1=$$

$$5-1-1=$$

$$5+1+1=$$


$$5-1-1=$$

$$2+1+1=$$

$$7-1-1=$$

3-босқич

3-мисол. Мантикий фикрлаш.




Бўш катакчаларга шундай сон қўйингки, 2та тўртбурчакдаги сонлар йиғиндиси, юқоридаги доира ичидаги сонга тенг бўлсин.

5 дақиқалик жисмоний машқ бажарилади.

Қушлар учиб келишди.
Кўлмакчага қўнишди
У ён, буён қарашиб
Яна учиб кетишди.

4-босқич.



5-босқич.

Тест

Математика китоби ўзи билан олиб келган тестларни тарқатади.

Тинчлик гуруҳи.

1. Қиш фаслига қайси ойлар киради?
 - а) сентябр, октябр, ноябр.
 - б) декабр, январ, феврал.
 - в) март, апрел, май
2. Қандай сондан 2 ни айирсак, 8 ҳосил бўлади?
 - а) 4
 - б) 9
 - в) 10

«Истиқлол» гуруҳи.

1. Баҳор элчиси бўлган қуш қайси?
 - а) бедана
 - б) калдирғоч
 - в) лайлак
2. Қандай сонга 3 ни қўшсак 8 ҳосил бўлади?

- а) 3
- б) 4
- в) 5

«Мустакиллик гурухи»

1. Уй ҳайвонларни топинг?

- а) айиқ, тулки
- б) эчки, қўй
- в) бўри, айиқ.

2. Қандай сондан 4 ни айирсак, 6 ҳосил бўлади?

- а) 10
- б) 9
- в) 8

Ҳар бир гуруҳ бажариб бўлган ишларини хайъат аъзоларига беради. Ғолибларни аниқлагунга қадар «Математика» китоби ўқувчилардан шеърлар, топишмоқлар сўрайди.

-Нолдан кейин тураман
Чизғичингга қараб боқ.
Сонлар ичра доимо
Биринчиман, эй ўртоқ. (1 сони)

-Қоматимни кўрганлар
Қиёс этар оққушга
Мендан дир-дир титрайди
Ихлоси йўқ ўқишга (2 сони)

-Билимингни баҳолаб,
Ноилож қоникаман
Қачон ўтар «тўрт»га деб
Куз тутиб толикаман. (3 сони)

Тўнқарилган стулга
Ўхшаб кетар бўй бастим
Отим - «яхши» тўртта ҳарф
Беш менинг яқин дўстим. (4 сони)

Тўртдан кейин тураман
Аълочиларга дўстман
Ёмон ўқиганларга.
Ҳеч қачон қўшилмайман. (5 сони)


«Математика» китоби ғолиб гуруҳга совғаларни тарқатиб рағбатлантиради.


Хайрлашув сўзларини айтади:

-Эй зухро болажонлар,
Мехри дарё устозлар.
Бугун меҳмонга келиб.
Зукколигингиз кўриб
Бир жаҳон қувонч олдим.
Ҳаяжондан лол қолдим .
Доимо, ўйнаб кулинг
Хайр энди, соғ бўлинг!

IV. Дарсни якунлаш ва баҳолаш.

Ўқитувчини ўқувчиларни баҳолайди ва «Кластер» усулда дарсни якунлайди





V. Уйга вазифа

63-бет 5-мисол. Уйга вазифа ўқитувчи томонидан тушунтириб берилади.